

ШАРТНОМА № 2535857

г. Ташкент
(шартнома тузилган жой)

11 August 2024г.
(шартнома тузилган сана)

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталувчи, Бюджет буюртмачиси бўлган Кашкадарё вилояти Автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармаси, номидан _____ асосида иш юритувчи _____ бир тарафдан ва кейинги ўринларда “Ижрочи” деб аталувчи OFSET-FAYZ МЧЖ номидан _____ асосида иш юритувчи _____ иккинчи тарафдан, биргаликда «Тарафлар» деб аталувчилар Махсус ахборот порталида ўтказилган электрон давлат хариди натижаси бўйича қуйидагича шартнома туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Буюртмачи товар учун жами тўловни амалга оширади ва товарни қабул қилиб олади, Ижрочи товарни қуйидаги шартларда етказиб беради:

№	Товар номи	Хусусиятлар	Ўлчов бирлиги	Сони	Бирлик учун бошланғич нарх	Бир ўлчов бирлиги учун келишилган нарх.	Битим суммаси
1	Моноблок		шт	3	18 000 000.00	9 161 000.00	27 483 000.00

Техник параметрлар	Моноблок HP Pavilion 27-ca2011ci (685) (Intel Core i7-13700T/ DDR4 16GB 3200/ SSD 512GB/ 27" FHD IPS/ Intel® UHD Graphics 770/ No DVD/ key + mouse/ DOS/ RU) (7Y021EA) Официальная гарантия от авторизованного сервисного центра предоставления гарантии на обслуживание в территории РУз.
Товар (иш, хизмат) маркаси	HP Pavilion 27-ca2011ci
Ишлаб чиқарувчи	HP
Ишлаб чиқарувчи мамлакат	ВИРГИНСКИЕ ОСТРОВА, США
Кафолат муддати	1 Год
Яроқлилиқ муддати	5 Год
Товар ишлаб чиқарилган йил	01 April 2024
Номер лицензии или сертификата (в случаях, предусмотренных законодательством)	нет
Етказиб бериш ҳудудлари ва туманлари	Кашкадарьинская область Карши;

Шартноманинг умумий суммаси 27 483 000.00 (Йигирма етти миллион тўрт юз саксон уч минг сум).

2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА ШАРТЛАРИ

2.1. Буюртмачи шартнома суммасининг 100% миқдорида тўловни Операторнинг Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ҳазначилигидаги ҳисобрақамига шартнома Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизими(бундан кейин ДМБАТ)да қайд этилган ёки қабул қилингандан бошлаш 10 иш куни ичида ўтказади.

2.2. Ижрочи тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида ХҚКП дан хабарнома олганидан бошлаб 5 иш куни ичида товарни етказиб бериши шарт.

2.3. Буюртмачи товарнинг сони тўлиқлигини, бутлигини, сифатини ва эълонда ёки офёртада кўрсатилган бошқа талабларга мувофиқлигини Ижрочининг иштирокида текшириб қабул қилиб олиши шарт.

2.4. Барча транспорт харажатлари Ижрочи томонидан қопланади (агар мазкур шартномада бошқа шартлар белгиланмаган бўлса).

2.5. Ижрочи томонидан товарни етказиб берилганлиги ва Буюртмачи томонидан текшириб олинганлиги Ижрочи расмийлаштирган ҳисоб-фактурани Тарафлар томонидан имзолаши билан тасдиқланади.

2.6. Буюртмачи товарни қабул қилиб олгандан бошлаб 3 кун ичида бу ҳақида бюджет ташкилотларининг автоматлаштирилган тизими (бундан кейин УзАСБО) орқали ДМБАТга хабарнома юбориши лозим.

2.7. УзАСБО Буюртмачининг товарни қабул қилганлиги тўғрисидаги хабарини олгач, бир иш кунида Операторга маълумотлар базасининг ўзаро электрон алмашинуви орқали хабарнома юборади. Олинган хабарнома асосида Оператор 1 иш кунида электрон шаклда тўлов топшириқномасини шакллантириб ДМБАТга юборади. Тўлов топшириқномасини қабул қилганидан 1 иш кун ичида ДМБАТ тўлов маблағини Ижрочининг ҳисобрақамига ўтказади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга: Ижрочидан мазкур шартноманинг 1-бандига мувофиқ бўлган миқдордаги ва сифатдаги товарни етказиб беришни талаб қилиш; Ижрочи талаб даражасидаги сифатга эга бўлмаган товар етказиб беришдан Ижрочидан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли: -талаб даражасидаги сифатли товарга алиштириб беришни; -етказиб берилган товардаги камчиликларни Ижрочи ҳисобидан бартараф этилишини; -мазкур шартнома шартларини бажармаганлик ёки белгиланган даражада бажармаганлик натижасида етказилган зарарни қоплашни.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат: Битим суммасининг 100%миқдоридаги тўловни мазкур шартномада кўрсатилган муддатда Операторнинг Молия вазирлиги Ҳазначилигидаги махсус ҳисобрақамига ўтказиши лозим. товарни етказиш ва қабул қилиб олиш саналарини Ижрочи билан шахсий кабинет орқали хабарлашиб келишиб олиш; Махсус порталда жойлаштирган эълони (талаби) бўйича етказиб берилган товарни мазкур шартномада кўрсатилган муддатларда қабул қилиб олиш. товар қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги хабарни белгиланган муддатда УзАСБО орқали ДМБАТга юбориш.

3.3. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга: Буюртмачи билан келишган ҳолда товарни муддатидан олдин етказиб бериш;

Буюртмачининг ўзи томонидан берилган талабномага мос бўлган товарни қабул қилиб олишни рад этиши натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

3.4. Ижрочининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат: Буюртмачига товарни мазкур шартномага мувофиқ сифат ва миқдорда ва белгиланган саналарда етказиб бериш; товарни етказиб бериш санаси ва вақтини шахсий кабинет орқали Буюртмачи билан келишиб олиш; товарни етказиб бериш жараёнида аниқланган камчиликларни Буюртмачининг талабига кўра етказиб беришнинг белгиланган муддатигача бартараф этиш.

3.5. Шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва мазкур шартнома талабларига мувофиқ ижро этилиши лозим.

3.6. Тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарилишини таъминлаганларида Шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ

4.1. Буюртмачи ва Ижрочи мазкур Шартнома шартларини бажармаганлик ва бузганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

4.2. Тарафлар қонунчиликда белгиланган форс-мажор ҳолатлари мавжудлиги натижасида шартномада белгиланган мажбуриятларини бажариш иложсизлигидан тўлиқ ёки қисман бажара олмаганларида жавобгарликка тортилмайдилар.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Тарафлар юзага келган баҳс ва мунозараларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Тарафлар юзага келган мунозараларни ҳал этиш учун даъвогарнинг жойлашган ҳудуди бўйича судга мурожаат қилишлари мумкин.

5.3. Тарафлар ўртасидаги мазкур шартномада кўзда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан тартибга солинади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан тузилган заҳоти кучга киради ва 20__ йил “__” _____ гача амал қилади.

6.2. Шартнома муддатининг тугаши тарафларни жавобгарликдан озод этмайди.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмаслиқка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорлиқни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали)содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш,солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунлиққа эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиний фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, таъйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга таъйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 7.4- ва 7.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

8. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

ИЖРОЧИ	БУЮРТМАЧИ
Номи: OFSET-FAYZ МЧЖ Манзили: ЎЗБЕКИСТАН, Кашкадарьинская область, Қарши, Нурбоғ кучаси 1 Тел: +998973138868 +998883107811 СТИР: 205888800 ЎҚКПдаги шахсий ҳисобварақ: 20-10-01-0005452-860-001 Банк ҳисоб рақам: 20208000704442642019 Банк: ТОШКЕНТ Ш., "АСАКАБАНК" АЖ БОШ ОФИСИ МФО: 00873 Шартнома ЭРИ орқали тузилган.	Номи: Кашкадарё вилояти Автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармаси Манзили: ЎЗБЕКИСТАН, Кашкадарьинская область, Қарши, Қшқадаря вилояти, Қарши шаҳар, Хонобод кучаси 23-уй Тел: 91-962-59-70 СТИР: 201998818 Ҳисобрақам: 20-20-06-0048013-860-001 Ҳисобрақам: 100010860104017045193118001 Буюртмачининг Ҳазначиликдаги ҳисоборақами: Ҳазначилик бўлинмаси номи: Ҳазначилик бўлинмаси СТИРИ: Ягона ҳазначилик ҳисоби (ЯҲХ): 23402000300100001010 Шартнома ЭРИ орқали тузилган

Буюртмачи учун Операторнинг реквизитлари

СТИР 200933985, ОКЭД 66110

Комиссион тўлов учун махсус ҳ/р: 700110860262877950600262006

шартнома тўлови учун махсус ҳ/р: 700110860262877950600262007

Ўзб.Р Ҳазначилик ҳисоб рақами: 23402000300100001010

МФО:00014 ЎзР Марказий банки Бош бошқармаси Ҳисоб-касса маркази СТИР 201122919

Етказиб берувчи учун Операторнинг реквизитлари

СТИР 200933985 ОКЭД 66110

Ҳисобрақам: 20208000000600257003

МФО 00980 Банк "Ostobank" АЖ

Ҳисобрақам: 20208000900600257053

МФО 00491 Банк "Trustbank" ХАБ

